



Ҳар бирингиз бошқарувчисиз ва ҳар бирингиз қўл остингиздагилар учун масъулсиз

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бирингиз бошқарувчисиз ва ҳар бирингиз қўл остингиздагилар учун масъулсиз. Ҳар бир раҳбар инсонлар устидан бошқарувчи ва улар учун масъулдир. Эр ўз аҳли аёли ва қўл остидагилар устидан бошқарувчи ва улар учун масъулдир. Хотин эрининг уйида бошқарувчи ва қўл остидагилар учун масъулдир. Қул хожасининг молига бошқарувчи ва унинг учун масъулдир. Ҳар бирингиз қўл остингиздагилар учун масъулсиз», дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир мусулмоннинг одамлар орасида бўйнига олган, бажарадиган масъулиятлари бор эканини хабар бердилар. Имом (мусулмонларнинг бошқарувчиси) ва амир Аллоҳ бошлиқ қилиб қўйганлар устидан бошқарувчидирлар. Аллоҳнинг аҳкомларини сақлаши, зулм қилганлардан ҳимоя қилиши, душманлари билан урушиши ва ҳақларини зое қилмаслиги даркор. Киши аҳли оиласининг нафақаси, яхши яшашлари, таълими ва одоби бўйича жавобгар. Аёл эрининг уйида уй ишлари, бола тарбияси бўйича бошқарувчи ва шунга масъул. Хизматчи, қул ва ишчи саййидининг молига масъул. Молини яхши сақлаганлиги ва хизмати ҳақида сўралади. Ҳар бир инсон қўл остидагиларга мутасадди ва масъулдир.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5819>

